



100128, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак мавзеси 24-уй, 22-хонадон, Тел: (98)335-77-09

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

5 май 2025 йил

Тошкент шаҳар

«UZKABEL» АЖнинг

**2024 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботида
ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Буюртмачи:

«UZKABEL» АЖ.

Манзил: Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 2-уй.

Мен, «SMART KONTROL» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 24-дом, 22-хонадонда жойлашган, СТИР: 309892142) аудитори Б.Исакулов (06045-рақамли аудитор малака сертификати 21.08.2022 йилда берилган) томонидан 2025 йил 1 апрелда тузилган 02/4-сонли шартнома асосида «UZKABEL» АЖнинг Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқ тузилган 2024 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларни, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримиз бўйича, юқоридаги тақдим қилинган молиявий ҳисоботлардаги аҳамиятли жихатлар ҳаққоний акс эттирилган ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқ келади.

Раҳбариятнинг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги.

Компания раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни МҲХСга мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек жамият раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим, бузиб кўрсатишлардан

холи ҳамда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги.

Бизнинг жавобгарлигимиз мазур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далиллари олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир.

Бундай рискларни баҳолашда, жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрланиши ва ҳаққоний тақдим этилиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказилишида қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишидаги баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз томондан олинган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

МЧЖ шаклидаги «SMART KONTROL»
аудиторлик ташкилоти директори



Б.Исакулов